

24.01.2022 йил

Термиз шаҳри

"O'zbekiston pochta" АЖ Сурхондарё филиали номидан, филиал Низоми асосида иш юритувчи директор К.Хамраев-матнда "Сотувчи деб номланувчи бир томондан ва

Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг сурхондарё вилоят ҳудудий бўлими

номидан,

Низом асосида фаолият курсатувчи бошкарма бошлиги

У.Хайдаров

матнда "Харидор" деб номланувчи

иккинчи томондан куйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздилар

1.Шартнома мазмуни

1.1 Сотувчи куйидаги тафсилот руйхатида кўрсатилган маҳсулотни Харидорга сотади, Харидор маҳсулотни хужжатлар асосида қабул қилиб, шартномада белгиланган муддат ва тартибда туловларни амалга оширади:

№	Маҳсулот номи	улчов бирлиги	Нархи (1 дона, кг, комп)	Микдори	Жами нархи
1	№1438 Стандарт марка Н-3800	дона	3800,00	4000	15200000
2					
	ЖАМИ				15200000
сўз билан:		<u>Уч Беш Миллион Икки Юз Минг 2 Сўм</u>			

2.Маҳсулотни етказиб бериш муддати ва тартиби

2.1 Шартноманинг умумий суммаси _____ сўм ҚҚС сиз _____ Сўм (Қўшимча қиймат солиғисиз)

2.2 Маҳсулот етказиб беришда, унинг сақланишини таъминлайдиган ўрама бўлиши мажбурийдир.

2.3 Маҳсулотни харидорга топшириш, Харидор вакилининг тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончномаси ва шахсини тасдиқловчи хужжати асосида амалга оширилади. Харидор вакили маҳсулотни қабул қилишда унинг сифати ва туликлигини (бутлигини) текширади.

2.4 Маҳсулот Харидорга вакилиги топширилгандан сўнг, маҳсулотнинг сифати ва бутлиги, йўлда нобуд бўлиши учун жавобгарлик Харидорга ўтади.

3.Хисоб-китоб ишлари

3.1 Харидор, шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун ичида, шартнома умумий суммасининг 30 % фоизини олдиндан тулайди. Колган 70% фоизини маҳсулот олингандан сўнг 5-кун ичида тулайди

3.2 Туловлар, Сотувчининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1 Харидор, туловни уз вақтида амалга оширмаса, туловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун, уз вақтида туламаган жами пулнинг 0,5 фоизи микдорида жарима тулайди. Шунда жариманинг умумий микдори жами пулнинг 50 фоиздан ошмаслиги лозим.

4.2 Сотувчи маҳсулотни уз вақтида етказиб бермаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун, уз вақтида етказиб берилмаган маҳсулот нархининг 0,4 фоизи микдорида жарима тулайди. Шунда жариманинг умумий микдори жами маҳсулот суммасининг 50 фоиздан ошмаслиги лозим.

4.3 Шартнома бандларини бажариш юзасидан англашмовчиликларни иккала томон ўзаро келишиб оладилар. Шундан умумий ечимга келишнинг имконияти бўлмаса, масала Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида суд орқали ҳал қилинади.

4.4 Томонлар ўз ихтиёрларида бўлмаган форс-мажор ҳолати, яъни зилзила, сув тошқини, ёнгин, табиий эпидемия, ҳарбий ҳаракатлар, ҳукуматнинг айрим фаолият турини таъқиқловчи қарорлар сабабли шартномавий мажбуриятларни бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар. Бунда ўзига нисбаттан форс-мажор ҳолати юзага келган томон иккинчи томонни 24 соат ичида ёзма равишда огоҳлантириш лозим. Шартномани бажариш муддати, томонлар келишувига кўра форс-мажор ҳолати муддатига узайтирилиши ёки шартномани бекор қилиниши мумкин.

5. Шартнома муддати

5.1 Шартнома имзоланган кундан бошлаб қонуний кучга кириди ва томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амалда бўлади.

5.2 Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки муддатидан олдин бекор қилиш, томонлар қўшимча ёзма келишуви асосида амалга оширилиши мумкин. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш истагини билдирган томон, бу ҳақида иккинчи томонни 1 (бир) ой олдин ёзма равишда хабардори қилиши шарт.

5.3 Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, томонларнинг ҳар бирида биттадан сақланади ва ҳар иккаласи бир хил қонуний кучга эга.

5.4. Мазкур шартнома газначилик бошқармасидан руйхатдан утган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилинади

6. Томонларнинг ҳуқуқий манзили:

"СОТУВЧИ"

"ХАРИДОР"


"O'zbekiston pochta si" AJ
Сурхондарё филиали
Манзил: Термиз ш. Ф.Хужаев-13
х/р 20210000300155266291


"Алоқабанк" Тошкент шаҳар
МФО 00401 СТИР 200833833
ОКОНХ 52100 тел: 76-223-14-17

Директор:  К.Хамараев
М.У.

Судлово фазолининг таъминлаш департаменти
Сурхондарё вилояти ҳуқуқий бўлими
Сурхондарё вило. Термиз ш. С.Саодат кўчаси, 286-б.ўй
Шар: 101410360224017033232
ИИИ: 207251438, ОКОНХ: 84112 01100
Ўз.Рес. Молия вазирлиги Газначилиги
Х/р: 23402000300100001010
Банк номи: УҚУМ МБ Тошкент шаҳри
МФО: 00014, СТИР: 201122919.

М.У.

 У.Хайдаров

Юрист:  У.Карисбаева
24.01.2022й

